



“ 25 ” сентябрь 2017 у. № АХ/08-03-36-16/144

“ ” _____ 2017 у. № _____

Ўзбекистон Республикаси
АТ “Халқ банки”

(100000, Тошкент шаҳри,
А.Темур шоҳ кўчаси, 3 уй.)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сизнинг ўтказилган лотереялар бўйича талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди маблағларини ижтимоий-хайрия мақсадларига йўналтирилиши борасидаги сўнги мурожаатларингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 396–сонли Қарори билан тасдиқланган «Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида» Низомнинг 44–бандида талаб қилиб олинмаган пулсиз шаклдаги ютуқлар ташкилотчида ёхуд ушбу мақсад учун шартнома асосида махсус жалб этилган юридик шахсда ютуқни тўлаш муддати тугагунгача сақланиши ва ютуқни тўлаш муддати тугагандан кейин талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди ижтимоий-хайрия мақсадларига, шу жумладан аниқ тарздаги ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлашга (болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, поликлиникалар ва шу кабиларга молиявий ёрдам учун) йўналтирилиши, уларнинг аниқ йўналишлари ўйинни ўтказиш Шартларида назарда тутилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган лотерея ўйинларини ўтказиш Шартларида ҳам ютуқни тўлаш муддати тугагандан кейин талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди ижтимоий-хайрия мақсадларига, шу жумладан болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналарга, поликлиникалар ва шу кабиларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди қатъий равишда юқорида келтирилган Низом ва лотерея шартлари талаблари асосида банк Бошқарувининг қарорига асосан ижтимоий-хайрия мақсадларига йўналтирилиши мақсадга мувофиқлигини маълум қиламиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 534-сонли Фармойишининг 3-бандига кўра, Халқ банки томонидан 2009–2010 йилларда ўтказилган пул-буюм ютуқли, тиражли лотереялари бўйича талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди маблағларининг ишлатилиши Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Вазирнинг
биринчи ўринбосари

Ижрочи: И.Ҳақимов
Тел: 239-47-13.

